

ОЗОД ШАРАФИДИНОВ

Ижодни

англаш

бахти



ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ

Ижодни

англаш

бахти



“ШАРҚ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
бош таҳририяти
Тошкент – 2004

Масъул муҳаррир:

Умарали Норматов,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор

Тақризчилар:

Абдулла Орипов, *Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири*

Баҳодир Карим, *Ўзбекистон Миллий университети ўзбек
филологияси факультети декани, физиология фанлари доктори*

Ушбу китоб Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва
Технологиялар Маркази гранти асосида Ўзбекистон Миллий
университетида тайёрланди.

Озод Шарафиддинов

Ижодни англаш бахти. — Т.: «Шарқ», 2004. — 640 б.

Азиз ўқувчи!

Қўлингиздаги китоб Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим ва адиб Озод Шарафиддиновнинг мустақиллик йилларида яратган мақола, эссе ва адабий суҳбатларидан ташкил топган. Улар янгиланаётган замонавий миллий адабий тафаккурнинг — XX аср ўзбек адабиёти тарихини янгича қайта идрок этиш, қолаверса, бадиий ижодни, ижодкор шахсини шўро даврининг қарашларидан фарқли ўлароқ, умумбашарий мезонларда англашнинг ёрқин намуналаридир. Замондош адиблар, илм-фан, маърифат, жамоат арбоблари ҳақидаги эссе-бадиалар бу жанрнинг ҳозирги ҳаҳон адабиётидаги энг яхши намуналари билан бир қаторда тура олади.

СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Ижод ва шижоат

Дунёда мукофоту унвонларнинг тури кўп. Аммо бутун бошли мустақил мамлакатнинг, озод халқнинг қаҳрамони деган номга сазовор бўлиш буюк шараф. Озод Шарафиддинов адабиётшунос — танқидчилар, умуман, олим-зиёлилар орасида биринчи бўлиб Республика-мизнинг энг олий мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. Президентимизнинг бу ҳақдаги фармони эълон этилганда бутун илмий-адабий жамоатчилик Озод акани бу қутлуғ мукофот билан чин дилдан қутладилар, яқдиллик билан у Қаҳрамон деган унвонга ҳар жиҳатдан муносиб деган гапни айтдилар.

1999 йили «Университет» нашриёти Озод Шарафиддинов ҳақидаги замондошларининг дил сўзларидан иборат тўплам чоп этган эди. Китоб «Матонат ва муҳаббат» деб номланган. Мана шу икки сўзда устоз Озод Шарафиддиновнинг асосий хислатлари мужассам бўлган. Дарҳақиқат, Аллоҳ берган беназир истеъдод соҳиби бўлмиш бу одам Қодирий ибораси билан айтганда «шахси бутун» зот, матонатли, шижоатли, мард, довюрак инсондир. Қалби ҳаётга, одамларга, эл-юртга, дўсту биродарларига, шогирдларига, китобга, сўз санъатига бу қадар меҳр билан ёнган саховатли инсон кам топилади. Унинг онгли умр йўли, ярим асрдан ошиқ ижтимоий, ижодий фаолияти улкан муҳаббат билан йўғрилган матонат ва шижоатлар силсиласидан иборат.

Озод Шарафиддинов адабиёт, адабий танқид майдонига ўтган аср 50-йилларининг ўргаларида, мамлакатда мустабид тузум адабий сиёсати қисман юмшанган, эркинлик шабадалари эса бошлаган бир пайтда кириб келди. Ўша кезлари адабий ҳаётда, танқидчилик ривожига янги бир тўлқин бошланди. Озод ака ана шу тўлқиннинг олдинги сафида борди, сўз санъатидаги соғлом кучлар, умидбахш тамойилларнинг, навқирон истеъдодларнинг ихтирочиси ва ҳимоячиси сифатида танилди. Унинг «Лирика ҳақида мулоҳазалар», «Замон — қалб — поэзия», «Ниҳоллар» мақолалари шеърятни, умуман, адабий жараёни янгича англаш, идрок ва

талқин этишнинг ёрқин намуналари эди. Мунаққид адабиётимиз осмонида митти юлдузлар — Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар пайдо бўлганида — бу истиқболи порлоқ чин истеъдодларни танқидчиликда илк бор кашф этди, уларни янги ижодий парвозларга руҳлантирди. Устоз ва сафдошлари — Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Шуҳрат, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров каби даврнинг пешқадам адиблари қалами остидан чиққан деярли ҳар бир янги асар Озод ака нигоҳидан ўтиб, сўнг дунё юзини кўрар, матбуотда бу синчков мунаққиднинг одилона баҳосини олар эди. Айни пайтда мунаққид устози Абдулла Қаҳҳордан руҳланиб адабиётдаги ҳалтурага, ўртамиёначиликка қарши мардона кураш олиб борди. 40—50-йилларда кенг тарқалган ўта сиёсатлашган, нуқул мустабид тузум мафкураси тарғиботига қаратилган, қуруқ риторика, ваъз-хонликдан иборат «шеъроят»нинг авра-астарини очиб ташлади, улардан кўплаб намуналар келтириб, «Шеърми шу асарлар, поэзия борми уларда?» деган кескин саволни қўяди ва теран илмий таҳлил, рад этиш мумкин бўлмаган далил ва мантиқ асосида «Йўқ!» дея жавоб бера олди. 50-йиллар шароитида бундай фикрни айтиш мислсиз жасорат эди. Чунки кескин танқид остига олинган «шеърлар» муаллифлари унча-мунча ҳаваскор қаламкаш эмас, даврнинг донгдор шоирлари эдилар, бунинг устига уларнинг танқид остига олинган нашрлари «ғоявий» жиҳатдан сиёсатга тўла мос эди.

Озод Шарафиддиновнинг XX аср янги ўзбек адабиётининг мустабид адабий сиёсат тазйиқи ва таҳдидлари туфайли топталган тарихини тиклаш, қатағон қилинган адиблар меросини халққа қайтариш йўлидаги жонбозликлари айни илмий-ижодий жасоратнинг чин намунасидир. Мустабид тузум шароитида бундай кураш ва шижоатлар қанчалар қимматга тушганлигини эҳтимол ҳозирги ёш авлод яхши билмас. Мунаққид «Тобутдан товуш» комедияси ҳақидаги илҳом ва эҳтирос билан ёзилган мақоласи, мафкуравий-сиёсий жиҳатдан «номақбул» шеърлар муаллифлари Э. Воҳидов, А. Ориповларга устозлик қилгани учун таъна-дашномларга учради, у муҳаррирлик қилган «Тирик сатрлар» тўплами, А. Қаҳҳорнинг «Ёшлар билан суҳбат» китоби

қатагонга учради; Чўлпон шеърляти, замонавий адабий жараён, қатор назарий масалаларга оид илмий мулоҳазалари, адабий анжуманлардаги дадил чиқишлари жиддий «сиёсий хато»ликда айбланиб, мунаққиднинг қутлуғ номи бадном этилди... Мен шу каби сон-саноксиз нохуш воқеа-ҳодисаларнинг, таъқибу таҳдидларнинг барчасига бевосита шоҳидман. Бу хил кетма-кет зарбалар унинг дилини қанчалар вайрон қилганлигини кўриб ўзим ҳам эзилганман. Агар мундоқроқ одам бўлганида бир-икки зарбадан сўнг аллақачон адабиёт, фан майдонидан этак силкиб кетган бўлар эди. Бироқ устоз танидаги, руҳидаги мислсиз матонат, чексиз ҳаётсеварлик туфайли бу хўрликларни енга олди, аҳдидан, танлаган йўлидан қайтмай шижоат билан илмий-ижодий, педагогик фаолиятини давом эттирди.

Ниҳоят, истиқлол кунлари келди. Озод Шарафиддинов сингари заҳматкашлар елкасига ҳам офтоб теғди. Унинг янги bosқичдаги илк машғулот — ўттиз йиллик орзу-армони Чўлпонни юзага чиқаришдан бошланди. «Кеча ва кундуз» романи мунаққид сўзбошиси билан қайта дунё юзини кўрди. Унинг раҳбарлигида Чўлпоннинг аввал бир жилдлик, сўнг уч жилдлик асарлари нашрга тайёрланди, «Адабиёт надир» тўплами чоп этилди. Чўлпон ижоди тадқиқига бағишланган илк диссертацияларга раҳбарлик қилди; Чўлпон адабий меросига оид кўплаб мақолалар, иккита рисола яратди. Айниқса, «Чўлпонни англаш» асари маънавий-маданий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди. Бу эссе мустабид тузум шароитида қадр топмаган беназир истеъдод, XX аср шеърлятининг ёрқин юлдузи тўғрисидаги ижодий зиёлиларнинг ўзига хос қалб нидоси, армон, афсус-надоматлари ифодасидир. Устоз иштирокида яратилган «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги (1999) янги миллий адабиётимизнинг истиқлол руҳи билан йўғрилган илк илмий тарихи сифатида қадрлидир.

Озод Шарафиддинов жисмонан ва руҳан ҳар қанча соғлом, матонатли бўлмасин, узоқ йиллик мунтазам таъйиқ, таҳдид, камситишлар барибир ўз асоратини кўрсатди: 90-йиллар ўрталарига келиб у оғир дардга чалинди, икки бор жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказди, оёғидан ажралди, бунинг устига бошқа хасталиклар кўшилди. Уша оғир дамларда Юртбошимиз

унинг ҳолидан хабар олиб, унга ҳар жиҳатдан далда бериб турди, «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлади. Мунаққиднинг 70 ёшлик юбилеи муносиб бир тарзда ўтди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан «Жаҳон адабиёти» журналининг ташкил этилиши ва журналга О. Шарафиддиновнинг бош муҳаррир этиб тайинланиши бу аллома фаолиятида янги саҳифа очди.

Улкан эҳтиром, ишонч-эътибордан руҳ олиб, кексалиги ва хасталигига қарамай бу аллома мислсиз ғайрат-шижоат билан ижодий ишга киришди. Аввало, журнал бош муҳаррири сифатида моҳир ташкилотчи эканини намойиш этди. Қаранг, 1997 йилдан буён у бошқараётган қалин журнал йилига 12 марта мунтазам чиқиб турибди, журнал миллат фарзандларини жаҳон билан, жаҳон адабиёти дурдоналари билан таништириш бобида қанчалар савоб ишлар қилаётгани адабий жамоатчиликка аён. Шуниси муҳимки, журналнинг деярли ҳар бир сониди Озод ақанинг ё роман, ё қисса, ё драма, ё публицистик, адабий-танқидий мақолалар таржимаси билан танишасиз. Мутаржим шу йиллар давомида бир улкан таржимон умр бўйи адо этиши мумкин бўлган ишни аъло даражада бажариб қўйди. Бугина эмас, шу давр мобайнида устознинг жамоатчи, публицист сифатида истеъдодининг янги қирралари очилди. Бу алломанинг турли анжуманлардаги, радио ва телевидениедаги мунтазам чиқишларида, газета ва журналлардаги публицистик мақолаларида замоннинг ўткир долзарб муаммолари нақадар дадил, ҳалол ва билимдонлик билан ўртага қўйилаётганлигига ҳаммамиз бевосита гувоҳимиз. Бундай чиқишлар неча бор муносиб тақдирланди ҳам.

Устознинг янги босқичдаги ижтимоий, ижодий фаолияти нақадар хилма-хил бўлмасин, биринчи галда у мунаққид, адабиётшунос адиб сифатида ўзининг янги сўзини айтди, айтмоқда. Мунаққиднинг кейинги ўн йил давомида чоп этилган рисола, мақола, эссе ва адабий суҳбатлари янгиланаётган замонавий миллий адабий тафаккурнинг ёрқин намуналаридир. Уларнинг аксарияти сарҳисоб, ҳасби ҳол характериға эға. Мустабид тузум адабий сиёсатининг тафаккурдаги асоратларидан дадил воз кечиб, XX аср янги ўзбек адабиёти

тарихини янгича қайта идрок этиш, таҳлил ва талқин қилиш, қолаверса умуман, бадиий ижодни, ижодкор шахсини, инсон зотини шўро даврида шаклланган андозалардан ҳоли, умумбашарий мезонларда туриб, чин инсоний, илмий англаш — О. Шарафиддиновнинг янги босқичдаги адабий-танқидий ишларига хос энг муҳим хислатлардир. Босиб ўтилган йўлни, адабиётимиз тарихи ва адибларимиз ижодини тубдан қайта баҳолаш, янгича талқин этишга чоғланар экан, мунаққид нуқул кимларнидир қоралаш, ўзгаларга маломат тошларини ёғдириш йўлидан бормайди; табиийки. мутаассиб, жоҳил кимсаларнинг қатағонлар замонидаги қора ишларини, кечириб бўлмас гуноҳларини асло унутмайди; айни пайтда мунаққид бизни чин истеъдодлар қисмати, ижодидаги машғум замона асоратлари билан боғлиқ ҳолатларни тушунишга, уларни чин дилдан тўғри англашга ундайди.

Адабиётшунос олимнинг қирқ йиллик фаолияти шўро замонида кечди. Гарчи ўша йиллари ҳам мунаққид, боя айтилганидек, ҳақиқат ва адолат йўлида мардона кураш олиб борган бўлса-да, барибир чархи кажрафторининг турфа ўйинларида озми-кўпми иштирок этган. Ижодкор одам учун ўз айбини тан олиш, ўзининг умр ва ижод йўлини мардона туриб тафтиш ва таҳлил этиш, ундан ибратли сабоқлар чиқариш ҳам савоб иш. Аслида ўзликни англаш ҳам улкан бахт! Ўзини англамай туриб ўзгаларни англаш мумкин эмас. Бу болада ҳам О. Шарафиддинов ҳамкасиб тенгдошларига ибрат бўларли жасорат кўрсата олди.

Устоз асарларига хос яна бир муҳим фазилат шуки, у бирор адибнинг ижодий тақдири ёки алоҳида асари ҳақида баҳс юритар экан, муаллифнинг фикр-мулоҳазалари фақат шу адиб, шу асарларгагина оид бўлиб қолмасдан, давр адабий жараёнига дахлдор бўлиб чиқади, миллий адабиёт ривожига муҳим, жиддий ҳодиса — тамойиллар моҳиятини очишга қаратилади. Чунончи, «Чўлпонни англаш» рисоласидаги бу беназир истеъдод, у қолдирган ноёб адабий мероснинг етмиш йиллик машаққатли қисмати, шоир шаънининг топталиши бутун бир даврнинг, тузумнинг иллоти, фожиаси, миллатнинг кўргилиги тарзида талқин этилади. Ҳамза ҳақидаги тадқиқотда эса, бу улкан адибнинг сохта

усуллар билан улуғланиши — бир хилдаги қизил ранглар билан чулғаб, бирёқлама талқин этилиши аслида унга нисбатан ҳурмат эмас, ҳақорат, бўҳтон эканлиги очиб берилади. Мустабид адабий сиёсатнинг қабиҳлиги шундаки, у чин истеъдодларни қоралаш, шайнини топташ бобида эмас, «улуғлаш» ишида ҳам жиноят йўлидан борган. Тадқиқотда мана шу шафқатсиз ҳақиқат бутун даҳшати билан кўрсатилади. Фитратга оид мақолада бу улуғ мутафаккирнинг биргина асари «Ҳинд сайёҳи» таҳлили орқали адибнинг миллат, тарих олдидаги буюк хизмати устида гап боради; мазкур асар ўз даврида жадидчилик ҳаракатининг дастури — манифести бўлганлиги таъкидланади.

Мунаққиднинг замонавий адабий жараён, мустақиллик даври адабиётига бағишланган адабий ўй, суҳбатларида ўткир баҳсли муаммолар кўтарилади, одатдагидек бу масалалар хусусида ҳам фақат устоз айтиши мумкин бўлган дадил гаплар айтилади. Бугунги адабиётнинг қаҳрамони давр авзойига қараб тадбиркор бўлиши керак деган даъволар ўртага қўйилаётган бир пайтда, олим сўз санъати учун қаҳрамоннинг ҳаётдаги мавқеи, касб-кори эмас, биринчи навбатда шахс жумбоғи, моҳияти, бадиий талқини, бу борадаги ижодкорнинг янги гапи муҳимлигини таъкидлайди. Шўро ҳокимияти йилларида ягона соцреализмдан бошқа ижодий оқимлар, жумладан, модернизм кескин рад этилган эди. Истиқлол туфайли бизда ҳам хилма-хил адабий мактаблар ривожини учун шароит ҳозирланди, модернистик тамойиллар адабий ҳодиса тусини ола бошлади. Адабий танқидчиликда бу ҳодисага ўта маҳлиё бўлиб кетиш, ўринли-ўринсиз уни ҳимоя этиш, ёки аксинча, ақидапарастларча уни миллий заминга ёт, зарарли ҳодиса сифатида кескин рад этиш ҳолларига дуч келдик. Адабиётшунос олим модернизм XX аср миллий адабиётимиз учун бегона эмаслигини, бугунга келиб унинг етакчи тамойилларидан бирига айланиши замон тақозоси, табиий ҳол эканини таъкидлаш билан баробар, уни жўн талқин этишдан бизни огоҳлантиради, бу жараённи бутун мураккаблиги, зиддиятлари, мусбат ва манфий томонлари билан бор ҳолича ҳолисона таҳлил ва талқин этишга ундайди.

Озод Шарафиддинов сўнги йилларда хотира-эссе-навис сифатида танилди. Сўз санъати дарғалари, устоз адиблар, қаламкаш дўстлари, шогирдлари, шунингдек, илм-фан, маърифат аҳли, жамоат арбоблари ҳақида бири биридан гўзал бадиалар яратди. Уларни бемалол бу жанрнинг замонавий жаҳон адабиётидаги энг яхши намуналари қаторига қўйиш мумкин. Эсселар қаҳрамони муаллифга шахсан таниш, дилига яқин одамлар бўлгани, айти ўша шахсий дахлдорлик, ёрқин хотиралар асарларга ажиб самимият бахш этади, бу асарлар саҳифаларидан замондош алломаларнинг сиймоси бор бисоти, бутун жозибаси билан кўз олдингизда гавдаланади, улар худди бадий асар каби шавқ билан ўқилади. Дарвоқе, уларда устоздаги илмий танқидий тафаккур билан бадий истеъдод ўзига хос тарзда тутшиб кетган. Муаллиф эссе қаҳрамонлари ижодини, асарларини батафсил талқин ва таҳлил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Улар илмийликка, «адабий портрет»ликка даъво қилмайди. Биринчи навбатда муаллифни асар қаҳрамонларининг шахсияти, қанақа одамлиги қизиқтиради, Ойбек ибораси билан айтганда, «гапи қанақа», «юриши қанақа», «қилиғи қанақа» — шуларни қаламга олади. Айти пайтда улар ижодига, асарларига хос нозик, бетакрор кузатишларни ҳам йўл-йўлакай изҳор этади. Чунончи, «Ғафур Ғуломнинг қулгиси» бадиасида буюк шоир табиатига хос ҳазилкашлик, қувноқлик, сўз ўйинлари, топқирлик каби хислатларини таърифлар экан, шу билан баробар ҳазилмутоиба — юмор аллома адиб учун ўша тоталитар режим замонида қалтис вазиятлардан эсон-омон чиқиб кетиш воситаси бўлганлигини эслатади. Абдулла Қаҳҳорга бағишланган эсселарида эса адиб табиатига хос юксак маданият, жиддийлик, қатъият, оилада, тор давраларда ҳам, минбарда, кенг жамоатчилик олдида ҳам фақат ҳақиқатни айтиш одатига урғу беради. Зулфияга бағишланган асарда шоира табиатидаги зукколик, нафосат туйғуси, умумжаҳон миқёсида фикр-мулоҳаза юритиш хислатлари очилади. Кибриё опа табиатида Шарқ, хусусан, форс мумтоз адабиётининг улкан билимдони, жамоатчи бўлган бу аёлнинг оилада чинакам бека, Абдулла Қаҳҳордек адибнинг садоқатли умр йўлдоши, «эр изнидан чиқмайдиган» малика, тенги



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/465> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/465> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/465>